

## Тошкент вилояти отинойилари «Хон атлас» фестивалини ўтказдилар



12:01 / 29.09.2023 1880

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан миллий либосимизда халқимизнинг минг асрлик ўтмиши, урф-одат анъаналари, диди, эстетик қарашлари, шунингдек, ўзига хос хусусиятлари мужассамлигини намоён этиш, миллий қадриятларимизни мазмунан бойитиш мақсадида «Хон атлас» фестивалини ўтказиш анъанага айланди.

Ушбу анъанага кўра 28 сентябрь куни республикамизнинг барча ҳудудларида, маҳаллаларда, вазирлик ва идоралоарда, корхона ва ташкилотларда ана шу тадбир кенг кўламда ташкил этилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қибрай тумани Тараққиёт маҳалласида ҳам Тошкент

вилоятининг туман ва шаҳар бош имом-хатибларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчилари ҳамда Қибрай тумани маҳаллий отинойилари иштирокида «Хон атлас» фестивали ўтказилди.

Тадбирни вилоят бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси Нигора Имамова кириш сўзи билан очиб берди. Тадбирда узоқ йиллик тарихимиз, миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳақида сўз юритилди. Кийиниш одоби, аёл-қизларнинг жамият ривожигаги ўрни, атлас ва адрас каби миллий либосларимизга опа-сингилларимизнинг эътибори ҳақида фикрлар билдирилди.

Тадбир кўтаринки кайфиятда ўтди, аёл-қизларнинг юзларидаги табассум уларнинг мазкур анжумандан мамнун, қалблари шодликка тўла эканини намоён этиб турарди.